# ЎЗБЕКИСТОННИНГ НОЗ-НЕЪМАТ ОРОЛИ

## «САМАРҚАНД» АГРОКОМБИНАТИНИНГ ДАСТЛАБКИ ОДИМЛАРИ

Барча соҳаларда бўлгани сингари мамлакатимиз агросаноат комплекси ҳам қайта қурилмоқда. Меҳнатни ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқаришнинг янги, самарали шакллари синаб кўрилаяпти. Оила, бригада ва ижара пудратлари, турли қишлоқ хўжалиги кооперативлари, агросаноат бирлашмалари шу изланишлар мевасидир. Жорий йилнинг апрель ойида Самарқанд район агросаноат бирлашмаси базасида агрокомбинат тузилди. Область маркази — қадимий шаҳарни ҳалқадай ўраб олган сабзавот пайкаллари, боғ ва токзорлар, қайта ишлаш корхоналари «Самарқанд» агрокомбинатининг ўзаги ҳисобланади.

— Аҳоли дастурхони қишин-ёзин тўкин бўлишини таъминлаш Озиқ-овқат программасининг асосидир,—дейди район партия комитетининг биринчи секретари Исо Жалилович Исоқов. — Бунинг учун ноз-неъмат конвейерининг йил бўйи тўхтовсиз ишлашига эришишимиз керак. Агрокомбинат шу олижаноб мақсадга хизмат қилади. Янги техника ва технологияни жорий этиш негизида маҳсулот ҳажмини кескин кўпайтириш, неъматларни сақлаш ҳамда қайта ишлашни такомиллаштириш кўзда тутилган.

«Самарқанд» агрокомбинати 13 колхоз, 9 совхоз, 2 та асаларичилик совхози, 2 та консерва заводи, мева ва сабзавот савдоси бирлашмаси, сут комбинати, 5 та хўжаликлараро корхона, кондитер фабрикаси — жами 39 ташкилотни бирлаштирди. Бошқарув маҳкамасида бош директор ва унинг 6 нафар ўринбосари, шунча бўлим бошлиғи, ҳаммаси бўлиб 64 киши меҳнат қилмоқда.

**Энди тетапоя қадам ташлаётган янги агросаноат комбинати қандай нафас олмоқда! Қанақа ютуқлар, камчилик ва муаммолар бор! Биз сабзавоткор, боғбон ва соҳибкорлар, қайта ишловчилар, раҳбарлар, мутахассислар билан суҳбатлашганимизда шу саволларга жавоб изладик, тўкинчилик бунёдкорлари амалга ошираётган хайрли ишлар билан танишдик.**

### ҚАЙТА ҚУРИШ НАФАСИ

**Раббим ҚОДИРОВ,**

**Агрокомбинат бош директорининг ўринбосари**

Коллективимиз дастлабки йилни кўтаринки кайфият билан якунлаяпти. Асосий маҳсулот — сабзавот етиштириш плани районимиз тарихида биринчи марта сентябрь ойида ошириб бажарилди. Эл дастурхонига 178 минг тонна турли сабзавот маҳсулотлари етказиб берилди. Деҳқонларимиз белгиланган планни адо этиш билан кифояланиб қолмадилар. Ҳосил охиригача йиғиштирилиб, давлатга 215 минг тоннадан зиёд сабзавот сотилди. «Москва», Улуғбек номли, Энгельс номли, «Комсомол», Максим Горький номли колхозлар бунга салмоқли улуш қўшдилар. Мазкур хўжаликларда топшириқ 120—150 процент уддаланди. Умуман барча колхоз ва совхозлар сабзавот тайёрлаш планини ошириб бажардилар.

Бошқа соҳаларда ҳам юқори натижаларга эришилди. Жумладан, давлатга 21 минг тонна мева, 45 минг тонна узум, 7. 300 тонна картошка, 2 минг тонна дон, 290 тонна лилла топширилди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг янги шаклига ўтишга олдин анча тайёргарлик кўрилди. Мутахассисларимиз мамлакатимиздаги ва қатор социалистик давлатлардаги агросаноат комбинатларида бўлишиб, тажриба ўргандилар. Жумладан, Краснодардаги «Кубань», Болтиқбўйидаги «Адажи», Туладаги «Новомосковское», Москва областидаги «Роменское», Куйбишевдаги «Лада», Олмаотадаги «Иссиқ», шунингдек Югославиядаги «Белград», «Тиквиси», «Тито-велес» ва бошқа агросаноат комбинатлари тажрибаси ишимизда қўл келмоқда.

**Агрокомбинатнинг дастлабки қадамлари қандай? Маҳсулотни тайёрлаш ва қайта ишлашни такомиллаштиришда таъсири сезилаяптими?**

Янгилик самараси ҳозирдаёқ яққол кўзга ташланмоқда. Агрокомбинатга қарашли хўжаликларнинг молиявий фаолияти такомиллашаяпти. Бунга ҳисоб-китобни марказлаштириш орқали эришаяпмиз. Маблағ билан боғлиқ жараёнларни агросаноат молиячилари бир жойда бажармоқдалар. Бунинг афзаллиги катта: масалан, илгари иқтисодий бақувват хўжаликларнинг миллионлаб сўм маблағи банкда ҳаракатсиз ётар, ночор хўжаликлар қарз олардилар. Ҳозирги марказлашган шаклда эса агрокомбинат бир хўжалик маблағини иккинчисига арзимас процент ҳисобига қарз олиб бериши мумкин. Натижада камқувват хўжаликлар давлатдан ссуда олиш ва процент тўлашдан озод бўлмоқдалар. Қолаверса, банк ўзидаги маблағларни бошқа эҳтиёжларга сарфлайди.

Планлаштиришни такомиллаштириш, етиштирилган маҳсулотни келишилган нархларда сотиш ишлаб чиқаришни юксалтириб, рентабелликни оширмоқда. Хўжаликларимиз умумиттифоқ фондига маҳсулот жўнатиш эвазига истеъмолчи корхона ва ташкилотлардан шартнома асосида ўзлари учун керакли қурилиш материаллари, уруғлик, зотли моллар олишаяпти.

Умумиттифоқ ва республика фондидан ортиқча етиштирилган маҳсулотни ўзимизда қайта ишлаш ҳамда савдо тармоқлари орқали келишилган нархларда сотиш ҳуқуқи берилдики, бу ҳам мамлакат Озиқ-овқат программаси ижросига сезиларли таъсир кўрсатиши табиий. Шунингдек, агрокомбинат маҳсулотларини чет мамлакатларга экспорт қилиш ва улардан зарур ускуналар сотиб олиш имкони яратилгани беҳад соз бўлди.

Ўтган қисқа муддатда агрокомбинатимиз моддий-техника базасини мустаҳкамлаш соҳасида анчагина ишлар қилинди. Жумладан, 5 минг тонна мева сақланадиган омбор-музхона фойдаланишга топширилди, 3 минг тонна сабзавот сақлашга мўлжалланган омбор, йилига 5 миллион шартли банка консерва ишлаб чиқарувчи завод ҳадемай ишга туширилади. Самарқанд шаҳрининг турли жойларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилувчи 14 та дўконимиз ишлаб турибди. Яна 5 та фирма магазини очиш кўзда тутилаяпти. Теплица хўжаликлари қиш дастурхони тўкин-сочин бўлишига хизмат қилмоқда. Иссиқхоналарнинг 19 гектарида сабзавот, 12 гектарида лимон етиштирилмоқда.

Айни пайтда қатор муаммоларга ҳам дуч келаяпмиз. Маҳсулотларни саралаш, қадоқлаш масалаларини олиб кўрайлик. Эътибор билан сараланиб, махсус идишларга жойланган неъматлар харидорларга қулайлик туғдиради, тез сотилади. Аммо бу соҳадаги амалий ишлар талабга жавоб бермайди. Маҳсулотни саралаш ва қадоқлаш учун махсус ускуналар, тегишли идиш-материаллар етишмаяпти. Бусиз ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи ўртасидаги муносабатларни юксак даражага кўтариб бўлмайди.

Чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш соҳасидаги фолиятимиздан ўзимиз ҳам қониқмаяпмиз. Сабаби, райондаги мавжуд бўрдоқичилик комплекси, гўшт комбинати агрокомбинатимиз ҳисобига киритилмаган. Шаҳардаги сут комбинати, гарчи бизга қўшилган бўлса-да, аслида буюртмамизни бажармаяпти. Бошқа районлардан ҳам сут қабул қилиб, амалда эскича ишлаяпти.

Агрокомбинат ташкил этилгач қурилиш соҳасида жиддий қийинчиликлар туғилди. Илгари буюртмамизни бажариб келган «Агропромстрой» қурилиш ташкилотларига бугунги кунда «ўгай» бўлиб қолдик. Натижада шаҳардаги савдо тармоқларини таъмирлаш, уй-жой, мактаб, болалар боғчаси ва бошқа социал, маданий-маиший объектлар қурилиши тўхтаб қолди. Шу боисдан агрокомбинатимиз қурилиш ташкилотига эга бўлиши зарурлигини давр тақозо этмоқда.

Бундай қийинчилик ва муаммолар оз эмас. Уларни бартараф қилишда Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети кўмагига муҳтожмиз.



**«Партия XXV съезди» совхоз-заводининг Санобар Рустамова бошлиқ бригадаси миришкорлари Озиқ-овқат программаси ижросига баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқдалар. Жорий йилда меҳнат аҳли гектар ҳисобига 400 центнердан сабзавот, 150 центнердан узум йиғиштириб олди.**

**СУРАТДА: илғор бригада бошлиғи Санобар Рустамова.**

Ш. САФОТИЛЛАЕВ фотоси.

### ШАКЛ ЯНГИ, КАМЧИЛИКЛАР ЭСКИ

**Маматқул СОЛИЕВ,**
**Садриддин Айний номли колхоз бригадири**

Ўттиз икки йилдан бери сабзавот етиштириш билан шуғулланаман. Отам сабзавоткор эди, қарашиб, ёрдам бериб вояга етдим. Кейин колхозчи, звено бошлиғи бўлдим. 20 йилдан буён бригадирлик қилаяпман. Бу йиллар изсиз кетмади. Ҳалол меҳнат туфайли эл орасида ҳурмат, ишда тажриба орттирдим.

Бригадамиз жорий йилда гектаридан 310 центнер ўрнига 457 центнердан ҳосил кўтарди. Ёки пландаги 470 тонна ўрнига 650 тонна ноз-неъмат етказиб бердик. Топшириқ 135 процент уддаланди. Рашид Самадов, Жўрабек Давронов, Билол Маматқулов каби миришкорларимиз алоҳида ғайрат-шижоат кўрсатдилар. Улар ишлаётган звеноларда ҳосилдорлик гектарига 500 центнердан ошди.

Кузги-қишки ишларни ўз вақтида бошлаб юбордик. Экинзорлар поялардан тозаланмоқда, шудгорлаш, далага ўғит чиқариш қизғин бораяпти, ариқ-зовурлар тартибга келтирилаяпти. Деҳқончиликда бу палла нафасни ростлаш, йил натижаларини таҳлил қилиш пайти. Шуларни ўйлаб кўрадиган бўлсак, ишга халақит бераётган муаммолар кўз олдимга келади. Масалан, сабзавот ҳосилини йиғиб-териб олиш ва қайта ишлашдаги исрофгарчиликни олайлик. Помидорнинг 30 проценти нобуд бўлаётир. Маҳсулот ортган тележкалар қайта ишлаш корхоналари дарвозасида бир-икки суткалаб навбат кутиб қолмоқда. Натижада ҳосилнинг учдан бир қисми сув бўлиб оқаяпти. Гоҳ оддий яшиклар етишмаслиги ишга панд беради. Ўз вақтида терилмаган помидор эса эзилиб қолади.

Эл дастурхонини қишда ҳам тўкин қилиш учун мева ва сабзавотни сақлаш муаммоси ҳал этилиши керак. Сабзи ва картошка қиш учун далада қазилган махсус чуқурларда сақланади. Ота-боболардан қолган бу ишончли усулга эътироз йўқ. Маҳсулот бузилмайди, худди янги кавлангандай, сифатли туради. Ҳосилни унга хоҳлаганча жойлаштириш мумкин. Бироқ қиш дастурхонига узум асраш анча қийин. Тўғри, биз уни эски усул — ҳарорати мўътадил ертўлаларда сақлаймиз. Лекин узумга эҳтиёж катта, уни сақлаш учун эса жой етишмайди.

Маҳсулотни қайта ишлаш ва сақлаш билан боғлиқ бундай муаммолар янги эмас. Улар бизга қишлоқ хўжалиги бошқармаси, кейинчалик РАПО раҳбарлик қилган даврларда ҳам бор эди. Мана ҳозирги шароитда ҳам бартараф этилмаяпти. Бошқача айтганда, бошқарув шакллари ўзгараяпти-ю, муаммолар, эскича қолаяпти. Агрокомбинат раҳбар ва мутахассислари бу муҳим масалалар ечими устида жиддий бош қотиришлари керак.

### ЎЗ КОРХОНАМИЗ БЎЛАДИ

**Толиб НОРБОЕВ,**

**«Москва» колхози правлениесининг раиси**

Колхозимизга чет эллик сайёҳлар кўп келишади. Улар эришган ютуқларимиз билан атрофлича танишгач, саволлар беришади. Хўжаликда маҳсулот етиштириш ҳажми яхши, лекин уни қайта ишлаш-чи? Бу саволни кейинги йилларда меҳмонлардан бир неча марта эшитишимизга тўғри келди.

Тан олиш керак, бу ишимиз шу кун талаблари даражасида эмас. Ҳамон хом ашё етиштиришдан нарига ўтолмаяпмиз. Қайта қуришни изчил йўлга қўймай туриб кўзланган натижага эришиш қийин. Шунинг учун бу соҳада дастлабки қадамларни қўяяпмиз. Яъни, шарбат цехи очиш ташвишидамиз. Келгуси йилда хўжалигимизда тайёрланган олма, беҳи, узум ва бошқа ноз-неъматлар шарбатидан истеъмолчилар баҳраманд бўлишади.

Шунингдек, яшик ясайдиган цех очаяпмиз. Шароит шуни тақозо этаяпти. Бултур ҳосилни йиғиштиришда идиш етишмаслигидан қийналдик. Помидор ,мева-чева ғарқ пишганда бу ҳол панд берди. Деҳқон ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олиши учун уни оддий идиш билан таъминлай олмасак, биз — раҳбарларга ишонч қолмайди. Елиб-югуриб бошқа районлардан қиммат нархда яшиклар топиб келдик. Таннарх қимматлашди, лекин ҳосилни нобудгарчиликдан сақлаб қолдик.

Бу тартибда узоқ ишлаб бўлмаслиги учун ҳам яшик тайёрлаш цехи очишга киришдик. Колхозимиз бўйича ҳар йили ўртача 150 минг дона яшик керак. Цех ишга тушса ўзимиздан ташқари қўшни хўжаликларни ҳам яшик билан таъминлашимиз мумкин. Бундай цехларнинг фойдаси катта. Масалан, заводдан ҳар яшикни 1 сўм 40 тийинга сотиб олаяпмиз. Ўзимиз тайёрласак, донаси бир сўмдан ошмаяпти. Демак, ҳар яшикдан 40—50 тийиндан фойда қолади.

Ялпи маҳсулот ҳажмига кўра колхозимиз йирик хўжалик. Бу йил пландаги 16.297 тонна ўрнига 22.887 тонна сабзавот етказиб бердик. Йиллик план районда биринчи бўлиб 20 августда уддаланди. Шунингдек, 2.700 тонна ўрнига 3 минг тонна узум, 200 тонна ўрнига 324 тонна мева тайёрладик. Бунга Раббим Рўзимуродов, Вафоқул Собиров, Ҳожи Қодиров, Сайёра Самиева бошлиқ бригадалар салмоқли улуш қўшдилар. Мавжуд 20 та сабзавотчилик бригадасида план 108—215 процент қилиб бажарилди. Бултур жами 1,5 миллион сўм фойда олинган бўлса, жорий йилда бундан зиёд бўлиши кутилмоқда.

«Самарқанд» агрокомбинати ташкил этилганидан мамнунмиз. Унинг келажагига ишонч билан қараяпмиз. Лекин, ростини айтганда, агрокомбинатнинг таъсири ҳозирча унчалик сезилмаяпти. Ўзига берилган ҳуқуқлардан тўла фойдаланмаяпти, ҳали таъсир кучи кам. Айниқса унинг таркибидаги қайта ишлаш корхоналари фаолияти талабга жавоб бермайди. Корхона дарвозасида турнақатор тизилиб навбат кутиш, маҳсулотнинг бир қисми эзилиб исроф бўлиши агрокомбинат тузилганидан кейин ҳам давом этмоқда. Гоҳ томат банкаси етишмайди, гоҳида бошқа ишкал чиқади. Деҳқон олдига бўлмағур талабларни қўядилар. Хусусан улар доимо ҳосилни график асосида — эртаги, ўртаги ва кечки қилиб етиштиришни талаб этишади. Тўғри, бунга ҳаракат қилинаяпти, лекин натижа камроқ. Ахир, деҳқончилик об-ҳавога боғлиқ. Айтайлик, эртаги деб белгиланган муддатда экилган сабзавот ҳам баҳор салқин келса кечикади. Оила пудрати шароитида деҳқон ҳосил мўллигидан манфаатдор. Чунки қанча кўп етиштирса шунча мўмай даромад олади. Қолаверса, унинг ноз-неъмати бутун халқимиз ризқи. Шундай экан, қайта ишлаш корхоналари ўз фаолиятларини бугунги талабга мослаб, тубдан қайта қуришлари керак.

Конкрет шароитдан келиб чиқиб, агрокомбинатнинг ташкилий тузилишини янада такомиллаштириш зарур. Масалан, «Серп и молот» консерва корхонаси бизнинг агрокомбинатимизга қарашли бўлса-да, унинг партия ташкилоти шаҳардаги Темирйўл район партия комитети ҳисобида туради. Демак, агрокомбинатдагилар ишдаги камчилик учун корхона раҳбарларига партиявий таъсир ўтказиш имкониятидан маҳрум. Буни тартибга солиш лозим.

### ОРҚАГА ЙЎЛ ЙЎҚ

**Соли СОБИРОВ,**

**Куйбишев номли колхоз боғбони**

Янгиариқ массивидаги 2 минг гектарлик хўжаликлараро боғ қақроқ тиканзор, жарликлар ўрнида пайдо бўлганига дафъатан ишонгинг келмайди. Лекин бунда заррача муболаға йўқ. Ўшанда райондаги қатор хўжаликлар бош қўшиб, ташландиқ адирларни ўзлаштиришга киришилди. Паст-баландлик текисланиб, сув келтирилди. Ҳар бир хўжалик ўзига ажратилган майдонларга мевали дарахт кўчатлари ўтқазди.

Мана, ўша боғ ҳосилга кираяпти. Мевалари — олма, беҳи, шафтоли, олхўри, нашвати. Звеномизга 19 гектар олмазор бириктилган. Отам — пенсионер Собир Шарипов, укам Исмат ва мен, яъни оилавий звенода уч кишимиз. Олмазор уч йил муқаддам ҳосилга кирди. Ўшанда 10 тонна мева йиғиштириб олдик. Дарахтлар ҳали ёш эмасми, йил сайин ҳосилдорлиги кўпаймоқда. Масалан, бу йил гектаридан 50 центнер ўрнига 75 центнердан ҳосил кўтардик. Келгуси йили кўрсаткич янада ортади. Белгиланган топшириқларни ошириб бажараётганимиз туфайли моддий манфаатдорлик яхши бўлаяпти. Ҳар биримизнинг ойлик иш ҳақимиз ўртача 200—250 сўмдан тушаяпти.

Боғдорчилик талабга қараб ривожланиб бормоқда. Мевали дарахтларнинг серҳосил, ишлов учун қулай навлари яратилаяпти. Боғимиздаги пакана олма нави шулар сирасига киради. Аввало, дарахт бўйи паст, ҳосилини териб олиш осон. Бу юмуш ҳозирча қўл меҳнатига асосланганлигини ҳисобга олсак, янги навнинг афзаллиги янада аёнлашади. Иккинчидан, уларнинг ортиқча шох ва бутоқларини кесиш, шакл бериш, қатор ораларини ишлаш ва озиқлантириш қулай. Хуллас, бу нав боғбонларга маъқул.

Айни пайтда боғдорчиликда ечимини кутаётган долзарб муаммолар бор. Улардан бири ҳосилни ҳашаротдан асраш. Маълумки, илгари заҳарли дориворлар пуркаб, олма қуртига қарши курашилarди. Боғбонлар химиявий ишловни мукаммал эгаллашганди. Атроф муҳити муҳофазасига эътибор кучайганлиги натижасида бизга биологик усулга ўтиш таклиф этилди. Бу йил олма қуртига қарши заҳарли дориворларни мутлақо ишлатмадик. Биологик усул эса кутилган самарани бермади. Ҳосилнинг бир қисми қуртга ем бўлди.

Энди нима қилиш зарур? Яна заҳарли химикатга қайтиш керакми ёки бошқа йўли топиладими? Менимча, орқага қайтиб бўлмайди. Тўкинсочинлик, эзгулик йўлида меҳнат қилаётган эканмиз, атроф муҳитининг мусаффолигини, одамлар саломатлигини ўйламасликка ҳаққимиз йўқ. Ягона тўғри йўл — зараркунандаларга қарши курашда биологик усулни такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш. Бу борада олим ва мутахассисларнинг амалий ёрдамларига муҳтожмиз.

### САНОАТЧИЛАРНИ ТУШУНИНГ, АХИР!

**Неъмат ЗОҲИДОВ,**

**«Партия XXV съезди» совхозига қарашли консерва заводи директори**

Корхонамиз жорий мавсумни юқори кўрсаткичлар билан якунламоқда. Пландаги 31 минг тонна ўрнига 43 минг тонна сабзавот, 1.000 тонна ўрнига 1.400 тонна олмани қайта ишладик, 40 миллион ўрнига 48 миллиондан зиёд шартли банка консерва тайёрланди. Кейинги рақамни мавсум охиригача 50 миллионга етказамиз.

Қайта қуриш талабларидан келиб чиқиб, харидоргир консерва ва шарбатлар турини кўпайтираяпмиз. Чунончи, пландаги 5 та ўрнига 14 хил шундай маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Бу йил биринчи марта атиргул баргидан хушбўй мураббо тайёрлашни йўлга қўйдик. Олма, узум, помидор шарбатларидан ташқари мариновка қилинган патисон, саримсоқ ва ток барги ҳам истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

Ҳозиргача мавсумий саналган корхонамиз бундан буён йил бўйи тўхтовсиз ишлашга ўтди. Қиш ойларида махсус цистерналардаги узум шарбати кичик банкаларга жойлаб жўнатилади.

Корхона ҳар жиҳатдан юксалиб, оёққа тураяпти. Лекин деҳқоннинг ўринли эътирозлари тугамаяпти. Айни пишиқчилик маҳали қайта ишловчи корхоналар дарвозаси олдида маҳсулот ортган транспортнинг қаторлашиб, навбат кутиб қолишини бартараф қилолмаяпмиз. Бунинг сабаблари турлича. Масалан, бултур пишиқчилик пайтида томат пастаси солинадиган тунука банкаларни Андижон, Фарғона, Ғазалкент, Янгийўл шаҳарларидан ташиб келтирдик. Тунука банка етмасдан ускуналарнинг бекор туриб қолиши ҳоллари юз берди. Жорий мавсумга пухта тайёргарлик кўрган бўлсак-да, барибир навбат кутишларга барҳам беролмаяпмиз. Деҳқон йил сайин кўп ҳосил етиштирмоқда. Бу яхши, албатта. Аммо бизнинг корхонамизга идишлар планда кўрсатилган миқдорда ажратилади. Аҳвол шундай бўлгач, биз— қайта ишловчиларни ҳам тушуниш керак. Заводимизда тунука банка тайёрлаш цехи қурилаяпти. У ишга тушиши билан қийинчиликлар барҳам топишига умид боғлаяпмиз.

Бир қанча катта-кичик муаммоларни, аввало турар-жой масаласини ҳал қилишимиз зарур. Уй-жой етишмаслиги туфайли ёш мутахассисларимиз кетиб қолишаётир. Агрокомбинат мазкур масала билан жиддий шуғулланиши керак.

Шунингдек, чиқинди сувларни тозалаш иншооти қурилишини тезлаштиришда ёрдамга муҳтожмиз. Корхонада ишлаб чиқариш ҳажми ортаяпти, ёнимизда бошқа корхона ва муассасалар қурилмоқда. Мавжуд тозалаш иншоотларининг қуввати етмай қолаяпти. Лойиҳа-смета ҳужжатлари аллақачон тайёрлаб қўйилган. Янги тозалаш иншооти тезроқ битказилмаса, экологик ҳолат мураккаблашуви аниқ.

### ИССИҚХОНА ИМКОНИЯТЛАРИ

**Аъзам ХЎЖАЕВ,**
**«Боғизоғон» совхозининг цитрусчиси**

Ўзимизда етиштирилган субтропик неъматлар дастурхонимиздан ўрин олганига анча бўлди. Ҳозир район бўйича тўртта хўжалик иссиқхоналарида помидор ва бодринг каби сабзавотлар қаторида лимон ҳам ўстирилмоқда.

Совхозимизда иссиқхона ташкил этилганига ўн йил бўлди. 6 гектар ойнаванд даланинг ярмида лимон, қолганида сабзавот етиштирилмоқда. Мен иссиқхона ташкил этилганидан буён лимончилик звеносини бошқараяпман. Дастлабки қаламчаларни ўзимиз экдик. Кейин Тошкентга бориб, машҳур цитрусчи Зайниддин Фахриддиновнинг тажрибаси билан танишдик. Бизга ўхшаб иш ўрганиш учун келганлар кўп экан. Зайниддин ака ҳар биримизга оз-оздан ер участкаси ажратиб бердилар. Икки ой мобайнида ҳам ишладик, ҳам тажриба орттирдик.

Лимонлар учинчи йили мева берди. Ҳосилдорлиги тобора ортиб бораяпти. Бултур гектаридан 30 тонна ўрнига 60 тонна лимон олиб, планни икки ҳисса ошириб бажардик. Жорий йилги мақсад янада қутлуғ. Турсун Очилов, Зулфия Ҳайдарова, Аълам Хўжаев каби цитрусчилар шахсий йиллик планларини аллақачон уддалаб қўйишди. Моддий манфаатдорлик ҳам юқори бўлаяпти. Ўтган йил якунида звеномиз аъзолари бир сўм асосий иш ҳақига 3 сўм 10 тийиндан қўшимча олишди . Ойлик маош ўртача 350—400 сўмни ташкил этди.

Қиш дастурхони ёздагидай тўкин бўлиши керак. Озиқ-овқат программаси илгари сураётган бу вазифани иссиқхоналарсиз ҳал этиб бўлмайди. Афсуски, республикамизда бу соҳадаги ишлар талабга жавоб бермайди. Теплица хўжаликлари кам, борлари имконият даражасида маҳсулот бермаяпти. Хуллас, резервлар тўлиқ ишга солинмаяпти.

Бир мисол келтираман. Сўнгги пайтда ишни юксак агротехника қоидалари асосида ташкил этиш мақсадида озроқ майдондаги лимонларни симбағазларга кўтардик. Шу туфайли қаторларда лимон туп сони кўпайди, сифатли ишлов бериш имкони туғилди. Натижа кутилганидан яхши. Бу далалар ҳосилдорлиги бир ярим баравар ортди. Ҳозирча 20 сотих жойдаги лимонлар симбағазга кўтарилган. Агар барча лимонзорлар шундай қилинса, анча қўшимча маҳсулотга эга бўламиз.

Ойнаванд майдонлардаги сабзавот экинлари ҳам имконият даражасида ҳосил бермаяпти. Ҳар квадрат метр ердан 8—10 килограмм сабзавот олинаяпти. Ҳолбуки, бу кўрсаткич ўртача 15 килограммни ташкил қилиши керак. Биз Москва областига бориб кўрган қатор иссиқхоналар тажрибаси сабзавот ҳосилдорлигини янада ошириш мумкинлигини исботламоқда.

Айни пайтда моддий базага доир айрим қийинчиликларга дуч келаяпмиз. Чунончи, иссиқхоналар ремонти учун ойна, иситиш ускуналарига эҳтиёт қисмлар етишмаяпти. Бундай нуқсонлар, шубҳасизки, ишга ҳалақит бермоқда.

### ОШКЎК ҲАМ КЕРАК

**Ҳаким РАҲИМОВ,**
**«Ленин байроғи» колхозининг бригада бошлиғи**

Қишда дастурхонимизнинг бир четида озмикўпми ошкўклар бўлишига нима етсин! Бизда кишилар севиб истеъмол қиладиган, шифобахш кўкатлар тури озми, ахир. Қишлоғимиз кишилари азалдан ошкўк етиштириш билан шуғулланишади. Томорқанинг бир чеккасини албатта турли кўкатлар эгаллайди. Улар ҳамма фаслда дастурхонга файз киритади.

Бригадамизнинг 33,5 гектар майдони бор. Унинг озроқ қисмини ҳар йили ошкўкларга ажратамиз. Кўкат етиштириш анча серташвиш, майда иш. Ерга оби-тобида ишлов бериб, металл ёйлар ўрнатиш, устидан пленка ёйиш керак. Ҳароратнинг паст-баландлигига қараб алоҳида парваришлаш зарур. Бу йил кузда 20 сотих жойга петрушка, шивит, кашнич каби кўкатлар экдик. Оилавий звенолар ўзларига ажратилган майдонлардан турли ошкўкларни колхознинг шаҳардаги дўконларига етказиб беришаяпти.

Ошкўк етиштиришдан иқтисодий манфаатдорлик юқори. Бригадамиздаги 20 сотих ер колхозга йилига 30—35 минг сўм даромад келтирмоқда.

Таъкидлаш кераккки, сўнгги йилларда бу соҳага эътибор кучайди. Хўжаликларда ошкўк етиштириш планга киритилди. Унинг ижобий натижалари яққол сезилмоқда. Қиш ойларида бозорда ошкўк нархи илгаригига нисбатан бироз пасайди. Уларни янада арзонлаштириш учун маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, металл ёй, полиэтилен плёнка каби материаллар таъминотини яхшилаш керак.

Коллективимиз 4 гектар ерда картошка ҳам етиштирди. Шунинг учун бу соҳага доир айрим мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Ҳозир бозорда картошканинг килограмми бир сўмдан кам эмас. Аслида бу республикамизда картошкачиликка эътибор сустлигининг оқибати. Баъзилар деҳқонларимиз картошкачиликнинг «тилини» билишмайди, дея аҳволни ўзларича изоҳлашади. Мен бундай фикрга мутлақо қўшилмайман. Масалан, бригадамизда бу йил гектаридан 120 центнер ўрнига 170 центнердан ҳосил олинди. Ўзим 5 сотих томорқамда ҳар йили пленка остида эртаги картошка етиштираман. Бундан уч минг сўм атрофида даромад қиламиз. Эртаги картошка ковланганидан сўнг ўрнига бошқа экин экамиз. Демоқчиманки, халқимиз картошка етиштиришни яхши билади.

Картошка тақчиллиги муаммосини ҳал этиш учун аввало бу экинга ажратилган майдонларни кенгайтириш зарур. Бизда аксарият майдонларга помидор экилади. Кузда у керагидан ортиқча етиштирилгани маълум бўлади. Транспорт ташиб, корхоналар қайта ишлаб улгурмайди. Оқибатда унинг бир қисми нобуд бўлаяпти. Шунинг учун помидор майдонларининг бир қисмига картошка экилса бўлмайдими? Менимча, агросаноат комбинати раҳбарияти экин турларини жойлаштириш ва планлаштиришда масалани ҳар томонлама ҳисобга олиши керак.

## МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ КУТАДИ

**«Самарқанд» агрокомбинатида мамлакат Озиқ-овқат программаси ижроси йўлида бирмунча ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, асосий маҳсулот ҳисобланган сабзавот етиштириш ва бошқа соҳаларда планлар ортиғи билан адо этилди. Қайта ишлаш корхоналари ва савдо-сотиқ муносабатларига янгича ёндашув қарор топмоқда.**

**Суҳбатдошлар ютуқлар билан бирга изланишлар ҳақида фикр юритдилар, агросаноат комплексини қайта қуриш йўлидаги айрим муаммоларга тўхталдилар. Янги агрокомбинат олдида бундай муаммолар талайгина. Таъкидланганидек, бу аввало агросаноат комбинати ташкилий структурасига тегишли. Райондаги бўрдоқичилик комплекси ҳамда гўшт комбинати агрокомбинат ихтиёрига киритилмагани чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш имкониятини чеклаб қўяяпти. Шунингдек, маҳсулот саралаш ҳамда қадоқлаш ускуналари ва материаллари етишмаётгани ҳам талаб даражасида ишлашга халақит бераяпти. Қурилиш ишларида қийинчиликлар мавжуд.**

**Маҳсулот етиштирувчи билан қайта ишловчи ўртасида йиллар мобайнида давом этиб келаётган тортишувлар барҳам топмаяпти.**

**— Оилавий пудрат шароитида деҳқон маҳсулотини кўпайтиришдан манфаатдор, — дейишди кўпчилик сабзавоткорлар. — Биз уни қанчалик кўпайтирсак, даромадимиз шунча ортади. Партиямиз талаби ҳам шу. Бинобарин, тунука банка бор-йўқлиги билан колхозчининг неча пуллик иши бор? Уша ерда ўтирган масъул ўртоқлар бу ҳақда бош қотириб, масалани ҳал қилишсин, ахир!**

**Аёнки, деҳқон қайта ишловчиларнинг уқувсизлигидан кўпроқ ранжимоқда. Зеро, ноз-неъмат ғарқ пишиб, эзилиб, сув бўлиб оқса-ю корхонада иш тўхтаб туришини оқлаб бўладими? Айни пайтда қайта ишловчилар деҳқон олдига эртаги, ўртаги ва кечки ҳосил етиштириш, маҳсулотни график асосида етказиб бериш талабини қўймоқдалар. Лекин бу осон эмас. Сабзавоткорлардан бири айтганидек, табиат, об-ҳаво график билан ҳисоблашмайди. Қолаверса, экиндан кўра корхоналарни хоҳишимизга мослаштириш осонроқ эмасми?**

**Маҳсулот керагидан ортиқча етиштирилаётган, қайта ишлашга корхоналар қуввати етмаётган экан, помидор майдонларининг бир қисмини бошқа экинларга, хусусан картошка ва полизга ажратиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.**

**Ҳа, янги агрокомбинатда етилган масалалар, ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар анча. Уларнинг баъзилари республика, область агросаноат комитетларининг аралашуви ва амалий ёрдамини тақозо этади.**

**...Агрокомбинатга қарашли хўжаликларда кечки ҳосил йиғиштирилиб, далалар пешма-пеш шудгор қилинмоқда. Келгуси йил ҳосилига пухта замин яратилмоқда. Иссиқхоналарда, плёнка билан қопланган майдонларда сабзавот, цитрус ва турли ошкўклар етилаяпти. Бинобарин, ноз-неъмат конвейери тўхтовсиз ишламоқда.**

М. ЭРАЛИЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

